



**Нархлар статистикаси бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Намangan вилоят статистикаси бошқармаси Нархлар статистикаси бўлимининг (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, хуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Намangan вилояти статистика бошқармаси (кейинги ўринларда бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Президенти фармонлари, карорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Намangan вилоят статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур низомга шунингдек бошқа қонун хужжатларига амал қиласди.

4. Бўлим нархлар статистикаси масалалари бўйича фаолиятини Давлат статистика қўмитасининг Нархлар статистикаси бошқармаси ҳамда вилоят статистика бошқармасининг тармоқ бўлимлари ва шаҳар, туман статистика бўлимлари (кейинги ўринларда худудий статистика бўлимлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Намangan вилоят статистика бошқармаси бошлиғи раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Намangan вилоят статистика бошқармасининг биринчи ўринbosарига бўйсунади.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Куйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) давлат статистикаси соҳасида ишлаб чиқилган ягона сиёсатни амалга оширишида, фаолиятни мувофиқлаштиришида, функционал тартибга солиши соҳасида:

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, нархлар статистикаси ишларнинг режа-жадвали, бошқарманинг иш режаларини ўз вақтида шакллантирилишида иштирок этиш;

нарх статистикаси бўйича статистик ҳисботларни юритишида қиёсий ва таққослама таҳлилий маълумотларни ўз муддатларида сифатли тайёрланишини таъминлаш;

нархлар статистикаси бўйича маълумотларни йиғиш, кайта ишлаш, саклаш тизимини такомиллаштириш;

нархлар статистикаси бўйича статистик кўрсаткичларнинг ишончлиигини, холислигини ва комплекслиигини таъминлаш, нархлар статистикасига оид Давлат статистика ишлари дастурининг бажарилишини таъминлаш;

Давлат статистика қўмитасининг нархлар бошқармаси ҳамда Наманган вилоят статистика бошқармасининг тармоқ бўлимлари ва худудий статистика органлари билан биргаликда нарх статистикаси соҳасида ахборотларни шакллантириш бўйича ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

б) халқаро стандартларга мувофиқ, нарх статистикасига оид илмий асосланган статистик методологияни жорий этиши соҳасида:

нархлар статистикаси соҳасида ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган давлат ва идоравий статистика кузатувлари тизимини мақбуллаштиришда, танланма статистика кузатувлари сонини ва натижаларининг ишончлиигини босқичма-босқич ошириш бўйича ишларни ташкил қилишда, идоравий статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқишида ва келишиш чораларини қўришда иштирок этиш;

бошқарма тармоқ бўлимлари ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларининг нархлар статистикаси соҳасида ахборотларни шакллантириш бўйича ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

илмий асосланган, бозор иқтисодиётининг асосий принципларига мос келадиган ягона статистика методологиясини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

бўлимга тегишли давлат статистик кузатуви шаклларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритишни;

нарх статистикаси назариясининг янги тенденцияларини ва иқтисодий жараёнларни ўрганиш, таҳлил қилиш, ҳисбот шаклларига мос ўзгартиришлар киртиш бўйича вазирликлар, идоралар таклифларини ўрганиш ҳамда уларни Давлат статистика

кўмитасининг нархлар бошқармаси томонидан муҳокама этилишига таклифлар киритиш.

в) статистика ахборотларини йигиши, қайта ишилаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириши, таҳлил қилиши ва эълон қилиши соҳасида:

нарх статистикаси ҳисботот кўрсаткичлари маълумотларининг ишончлилиги, холислиги, комплекслилиги ва тизимлилигини таъминлаш бўйича ҳудудий статистика органларининг фаолиятлари мониторингини юритиш;

умумкабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ, нарх статистикаси фаолиятига тегишли қисми бўйича статистик индикаторлар тизимини яратиш ва ривожлантиришда иштирок этиш.

г) статистик маълумотлар билан таъминлаш соҳасида:

давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик шахслар, давлат муассасалари ва халқаро ташкилотлар, шунингдек бошқа фойдаланувчиларни нарх статистикаси фаолиятига тегишли маълумотлар билан белгиланган тартибда таъминлаш;

нарх статистикаси фаолияти методологияси масалалари бўйича ёрдам кўрсатиш;

нарх статистикаси масалалари бўйича ҳудудий статистика органлари ходимлари учун маслаҳатлар ва семинарларни ташкил этиш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

бўлим шаҳар ва туман статистика бўлимларининг нарх статистикаси масалалари бўйича ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларини самарали амалга ошириш бўйича фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

нархлар статистикаси соҳасида давлат статистика ҳисботлари тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан, электрон шаклдаги мурожаатларнинг тегишли қисмини кўриб чиқади ва улардаги масалаларни хал қилиш бўйича, зарур холларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида таклифлар тайёрлайди;

Бўлим ўз фаолиятига оид статистика услубиятлари, статистика ишларини ташкил этиш масалалари бўйича Наманган вилоят статистика бошқармасининг тармок бўлимлари ва ҳудудий статистика бўлимларига ёрдам кўрсатади;

Статистик тўпламлар ва маърузалар учун нархлар статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, Бошқарма раҳбарияти топшириғига асосан ҳамда фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида нархлар статистикасига оид маълумотларни тайёрлайди;

Нархлар статистикаси амалиётига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда иштирок этади;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равища тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди.

нарх статистикаси бўйича статистик кўрсаткичларнинг ишончлилигини, холислигини ва қиёсийлигини таъминлайди, соҳага оид статистик маълумотларни йифиш, қайта ишлаш ва саклаш тизимини такомиллаштиради;

нарх статистикаси доирасида давлат статистика кузатуви шакллари, уларни тўлдириш тартиблари бўйича тушунтиришларни, статистик кўрсаткичларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

Давлат статистика ишлари дастурига мувофик, Кўмита раҳбарияти ва бошқарма раҳбарияти топшириғига ҳамда фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида нарх статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Давлат статистика ҳисботларини электрон тарзда тақдим этилишини қамровини таъминлайди;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равища тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди;

Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни тўлик, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган иқтисодиётнинг энг муҳим устувор йўналишларини, иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация килиш бўйича ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган вазифаларни ҳамда вилоят худудида ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг тенденциясини (холатини) ҳисобга олган ҳолда таъминлайди.

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юклangan бошқа функцияларни ҳам бажаради.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқ ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги ҳуқуқларга эга:

нарх статистикаси соҳасида кузатувларни ташкил этиш ва услубиятини такомиллаштириш масалалари бўйича бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

бўлимга юклатилган функцияларни бажарилиши учун керакли бўлган маълумотларни худудий статистика органларидан олиш;

бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқарманинг тармок ҳамда худудий статистика бўлимлари билан хамкорлик қилиш;

нархлар статистикасига оид давлат статистика ҳисботларини муддатларида йифиш, уларни қайта ишлаш, тўлиқлилигини таъминлайди;

бўлим ўзига юклangan вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун, бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат, тижорат сирларига риоя қилиниши ва сақланишини таъминлаш учун жавоб беради;

бўлим бошлиғи ва ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган энг муҳим устувор вазифалар ва замонавий талаблардан келиб чиқиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Конуни, “Наманган вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низом ҳамда ушбу Низомда белгиланган вазифалар, функциялар, мажбуриятларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, ўзига берилган ваколатлар, ҳукуқлардан қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши учун жавоб берадилар.

бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишлар, шу жумладан халқаро йиғилишларда иштирок этади.

бошқа давлат ташкилотларидан бўлим ваколатига кирувчи давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни, шунингдек уларга илова этиладиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

нарх статистикаси услубияти ва давлат статистика кузатувларини ташкил этишга алоқадор бўлган масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

9. Бўлим қўйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғри кўлланилишини таъминлаш;

нарх статистикаси соҳасига оид статистик маълумотларнинг ишончлилиги, холислиги ва тўлиқлигини таъминлаш;

ташкilot ва давлат сирларини маҳфийлигини таъминлаш;

Давлат статистика қўмитаси ва Наманган вилоят статистика бошқармаси томонидан белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, бўлим ходимлари томонидан ижро интизомини таъминлаш.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

10. Бўлимнинг тузилмаси бўлим бошлиғи, бош мутахассис, етакчи мутахассис ва 1-тоифали мухассислардан иборат.

11. Бўлим фаолиятига бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бўлим бошлиғи ва бўлим мутахассислари вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва озод килинади.

13. Бўлимнинг иш режаси ва иш ҳисоботи, вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан Давлат статистика ишлар дастурига мувофиқ тасдикланади.

14. Бўлим штатлари сони ва иш ҳаки миқдори вилоят статистика бошқармаси штат жадвали асосида белгиланади.

15. Бўлимни мазкур Низоми асосида бўлим бошлиғи бошкаради. Бўлим Низоми ва лавозимлар йўриқномаси вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдикланади.

5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

16. Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги конуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чикиш дастури, Наманган вилоят статистика бошқармаси тўғрисида Низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси раиси ва бошқарма бошлиғининг буйруқлари ва топширикларига мувофиқ, шунингдек Давлат статистика қўмитасининг иш режалари ҳамда вилоят статистика бошқармасининг иш режалари ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланадиган бошқарма иш режалари асосида шакллантирилади ва бошлиқнинг биринчи ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юклangan вазифалардан келиб чиқсан ҳолда тайёрланади ва вилоят статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринbosари томонидан тасдиқланади.

17. Бўлим бошлиғи:

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, бўлим ходимларининг ишини ташкил қиласи, ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, бўлимга юклangan вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринbosарига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Бошқарманинг йигилишлари ва мажлисларида, шунингдек раҳбариятининг топшириғига биноан Бошқарма тасарруфига кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гурухлар ва кенгашлар фаолиятида иштирок этади;

давлат статистикаси соҳасида норматив ва методологик ҳужжатларни ва давлат статистика кузатувлари шакллари лойиҳаларини эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишини ташкил қиласи;

Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринbosарларининг топширикларига мувофиқ таҳлилий ва умумлаштирувчи материалларни тайёрлайди, кўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Бошқарманинг ва бўлимнинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофик Бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

норматив-хуқукий хужжатлар, режалар ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чикиш ва экспертиза қилишда, шунингдек уларнинг давлат статистикаси тегишли қисмини ижро этишда иштирок этади;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим кадрлари захирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар захирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

Бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи хужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиб масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказади;

иш юритишини олиб бориш, топширикларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қиласди, ходимлар томонидан хизмат хужжатлари билан ишлаш ва уларни саклаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

18. Бўлим бош мутахассиси:

нархлар статистикаси фаолиятига алоқадор барча масалаларни қамраб оловчи комплекс ишларни амалга оширади;

давлат статистика ҳисобот шаклларини шакллантириш, ишлаб чикиш ва такомиллаштиришда фаол қатнашади;

илмий журналлар, халқаро ташкилотларнинг методологик нашрлари ва интернет тармоғидаги материалларни ўрганиш асосида статистика соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

маърузалар, статистик бюллетен ва тўпламлар учун маълумотлар тайёрлайди;

статистик ҳисобот шаклларининг дастурий базасини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган ишларда фаол қатнашади;

бўлим бошлиги билан биргаликда тақдим этилаётган статистик маълумотлар ва ҳисботларнинг ишончлилиги ва аниқлигини текширади;

давлат ва тижорат сирларига эга статистик маълумотларнинг сакланишини таъминлайди;

бўлимга тегишли маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлашга, келиб тушувчи ва чиқувчи материаллар бўйича давлат ва тижорат сирларини саклашга жавоб беради;

давлат статистика қўмитаси ходимларига қўйилган талабларни, ва ушбу низомда белгиланган функционал вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

ўз иш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Давлат статистикаси тўғрисида”ги ва бошқа конунларга, Олий Мажлиснинг меъёрий хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлариiga, шунингдек, бошқарманинг низомига ва ушбу низомга қатъий амал қилиши лозим;

раҳбариятнинг топшириклариiga мувофиқ жорий ишларни бажаради;
вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

19. Бўлим етакчи мутахассиси:

белгиланган иш соҳаси бўйича ҳисоботларни ўз вақтида шакллантириш ва тўплашни қатъий назорат қиласади;

давлат статистика ҳисбот шаклларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда фаол катнашади;

илмий журналлар, халқаро ташкилотларнинг методологик нашрлари ва интернет тармоғидаги материалларни ўрганиш асосида статистика соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

маърузалар, статистик бюллетен ва тўпламлар учун маълумотлар тайёрлайди;

статистик ҳисбот шаклларининг дастурий базасини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган ишларда катнашади;

бўлим бошлиғи билан биргалиқда тақдим этилаётган статистик маълумот ва ҳисботларнинг ишончлилиги ва аниқлигини текширади;

бўлим фаолиятига доир аналитик ҳисоб-китобларни амалга оширади;

Бўлим етакчи мутахассиси ўз иш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Давлат статистикаси тўғрисида”ги ва бошқа конунларга, Олий Мажлиснинг меъёрий хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлариiga, шунингдек, бошқарманинг, бўлимнинг низомига ва ушбу йўриқномага қатъий амал қилиши лозим.

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

илмий журналлар, халқаро ташкилотларнинг методологик нашрлари ва Интернет тармоғидаги материалларни ўрганиш асосида статистика соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун

зарур материалларни йигади ва уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойихани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топширикларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;
вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

20. Бўлим 1-тоифали мутахассиси:

белгиланган иш соҳаси бўйича хисоботларни ўз вактида шакллантириш ва тўплашни қатъий назорат қилади;

давлат статистика ҳисобот шаклларини ишлаб чикиш ва такомиллаштиришда фаол қатнашади;

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вактида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

маърузалар, статистик бюллетен ва тўпламлар учун маълумотлар тайёрлайди;

статистик ҳисобот шаклларининг дастурий базасини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган ишларда қатнашади;

бўлим бошлиги билан биргаликда тақдим этилаётган статистик маълумот ва хисоботларнинг ишончлилиги ва аниқлигини текширади;

бўлим фаолиятига доир тахлилий ҳисоб-китобларни амалга оширади;

бўлим бошлигининг топширигига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чикиш учун зарур материаллар ва уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

иш юритишини олиб боради, Бўлимда ҳужжатларнинг ўтиш тартибини ташкил қилади, ҳужжатларни архивда саклаш учун тайёрлаш ва ўз вактида топширишни таъминлайди;

раҳбариятнинг топширикларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;
вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.